



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 26-noyabr. Payshanba

138 (32.041)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

ЎзХДП фракцияси аъзолари сайлов округларида учрашувлар ўтказмоқда

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 128-САНОАТ САЙЛОВ ОКРУГИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ, ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОСИ РУСТАМ КОМИЛОВ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШИШИ ҲАҚИДА ЭШИТДИК. УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТАДИГАН ЯШНОБОД ТУМАНИДАГИ «АСАЛОБОД» МАҲАЛЛАСИГА КИРИБ БОРГАНИМИЗДА КЎПЧИЛИК



ЙИГИЛИБ ТУРГАН ЭКАН. КЕЙИН БИЛСАК, УЛАР ДЕПУТАТ БИЛАН УЧРАШУВГА КЕЛИШИБДИ. ПАЙТДАН ФОЙДАЛАНИБ, УЧРАШУВ БОШЛАНГУНГА ҚАДАР САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН СУҲБАТДА БЎЛДИК.

▶ Давоми 2-бетда.

ЎзХДП ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Сайловчилар ишончини оқлаш

ҳар бир депутатнинг вазифаси ва бурчидир

ТЎҒРИСИ, ДЕПУТАТ БИЛАН БОҒЛАНИШ, СУҲБАТЛАШИШ БИРОЗ ҚИЙИН БЎЛДИ. У ДОИМ БАНД, КИМНИНГДИР МУРОЖААТИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ҲАРАКАТИДА ЮРАР ЭКАН. ОХИРИ ҚИЗИЛГУЛ ЭРМАТОВАНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИДА УЧРАТДИК. НАВБАТДАГИ МУРОЖААТЛАРНИ ТИНГЛАГАНИДАН СЎНГ ДЕПУТАТНИ СУҲБАТГА ТОРТДИК.

▶ Давоми 2-бетда.

8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

Конституция билимдонлари

Конституциямизнинг 23 йиллиги байрами арафасида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртли, касб-хунар коллежлари, академик лицей ҳамда умумтаълим мактабларида Конституция кунига бағишлаб тадбирлар, турли танловлар ўтказилмоқда.

— «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазкур 41-моддасини барча ўқувчиларимиз яхши билади, — дейди Тошкент солиқ коллежи ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси Саъдулло Неков. — Ушбу модда биз, ўқитувчиларни ҳамда ота-оналарни фарзандларимиз олдидаги масъулиятини янада оширади. Конституция кунини муносабати билан коллежimiz ўқувчилари орасида иншолар, деворий газеталар, видео слайдлар танлови эълон қилинган.

— Конституцияни ёд олганман, — дейди коллеж ўқувчиси Азиза Турдимуродова. — Коллежimizда Асосий қонимиз байрамига бағишлаб ўтказиладиган танловда ғолиб бўлишни истайман. Бугунги кунда Конституция моддалари шарҳини ўрганимман. Менинг фикримча, Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур билиши зарур.

Шаҳбоз САИДОВ

Жорий йилнинг 9 ойида ЎзХДП Жиззах вилоят ҳудудий кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан 398 мурожаат бўлган. Уларда кўтарилган масалаларнинг аксарияти ўз ечимини топди. Қолганлари назоратга олинган.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзХДПдан сайланган депутатлар томонидан 84 депутатлик сўрови юборилди. Уларнинг 80 таси ижобий ҳал этилди.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Иқбол ЖЎРАЕВ,
Андижон вилояти,
Избоскан тумани:
— Жорий йилнинг 26 августидан мамлакатимизда «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти нимадан иборат? Ишончли бошқариш шартномаси ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз.



Дилмурод Саъдуллаев,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси:

— Аввало таъкидлаш керакки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши жойларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Шу маънода бу электротартиб манфаатларига ҳамоҳангдир. Қонун фонд бозори томонидан иқтисодиёт тармоқлари ўртасида сармоянинг эркин оқими таъминлаш, инвесторларга ва аҳолининг кенг қатламла-

рига капитал бозорига кириш имкониятини бериш ҳамда жамғармаларни шакллантириш ва кўпайтиришга кенг йўл очади.

Унга кўра, инвестиция фонди ўз фаолиятини қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади.

Қонун билан инвестиция фонди, пай фонди, инвестиция пайлари, инвестиция активлари, ишончли бошқарувчи ва ишончли бошқариш шартномаси, инвестиция декларацияси каби тушунчаларга изоҳ берилган, уларнинг ҳар бирининг ўрни ва аҳамияти белгиланган бўлиб қўйилган.

Хусусан, Қонуннинг 9-моддаси ишончли бошқариш шартномасига қаратилган. Унга кўра, пай фондини ишончли бошқариш шартномаси мувофиқ амалга оширилади. Ушбу шартнома ишончли бошқарувчининг раҳбари томонидан акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан инвестиция фондининг қурашув кенгаши раиси ҳамда ушбу ҳужжатни имзолаш ва унга қўшилиш орқали пай фондининг инвесторлари билан тузилади.

ОБУНА — 2016

Иштихонлик Мавлон Оқиллов кўли очиклиги, саховатпешалиги билан эл-юрт ўртасида обрў қозонган. У ўзи истикомат қиладиган Ўзбекистон маҳалласидаги боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларга доимий равишда ёрдам кўрсатиб келади.

— Обуна давом этаётган шу кунларда партиямиз фаоли Мавлон Оқиллов бир гуруҳ кексаларимизни «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қилиш таклифи билан чиқди, — дейди «Нуроний» жамғармаси Иштихон туман бўлими раиси ўринбосари, ЎзХДП аъзоси Исокул Умрзоқов. — Бундан жуда хурсанд бўлдим. Чунки меҳнат фахрийлари мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ушбу нашр орқали кузатиб боришади. Нуронийларга берилаётган имтиёزلар, қонунчиликка киритилаётган янгиликлардан доимий ҳабардор бўлишади. Кўпнинг дуосини олаётган бундай инсонлар сафи янада кенгайсин.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
газетасига сиз ҳам обуна бўлинг!
Обуна индекси — 220



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Бандлик дастури ортида

инсон манфаати, минглаб ёшларимиз
тақдири турибди



Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи шаҳар деҳқон бозорлари ва савдо дўконларида онлайн тўловлар тизимини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганди.

Янгиликлар, Бунёдкорликлар, Хабарлар...

Шаҳарсозлик бўйича тажриба алмашилди

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтида «Шаҳарсозлик келажиги: шаҳарсозлик, демография ва барқарор ривожланиш» мавзусида семинар ўтказилди.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабарига кўра, икки кун давом этган тадбирда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси тил ва университетлар ҳамкорлиги масалалари бўйича атташеси Фредрик Вийом, Франциянинг Лилъ университети ҳамда Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти профессор-ўқитувчилари, халқаро экспертлар мавзу юзасидан фикр алмашган.

— Биз бу ерга келишдан аввал Тошкент шаҳрида бўлдик. Самарқанд шаҳрида эса тарихий ва замонавий шаҳарсозлик амалиётини кузатдик, — дейди Франциялик эксперт Франсуа Оливье Сейс. — Кўрдикки, бу шаҳарларда кенг кўламли қурилиш ва обodonчилик ишлари олиб боришмоқда.

Семинар якунида Лилъ университети ҳамда Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти ўртасида илмий-тадқиқотлар ва анжуманлар ўтказишга қаратилган ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Самарқанд

Қорақалпоғистон

Навоий

Санъат даргоҳи замонавий қиёфада

Амударё туманидаги 9-болалар мусика ва санъат мактаби мукамал реконструкциядан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Замонавий қиёфа касб этган мазкур таълим даргоҳининг таъмирлаш ишлари тумандаги «Амударё-маҳсуқурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди.

Айни пайтда бу ерда 134 нафар ўқувчи 12 йўналишда мусика ва санъат сирларини ўрганмоқда. Машгулот хоналари, рақс, оркестр, хор ва концерт заллари ёшлар ихтиёрида.

Истеъдодли ёшлар маскани

Зарафшон шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказида «Ёш эколог», «Бичиштиқиш», «Тўқиш», «Компьютер графикаси ва дизайн», «Дўппидўзлик», «Ёш мусаввир», «Ёш журналист ва нотик» каби 14 тўғрақ фаолият кўрсатмоқда.

Навоий вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабарига кўра, ҳозирги кунда ушбу болалар марказида 560 нафар ўқувчи мазкур йўналишлар бўйича ўз маҳоратини оширмоқда. Уларга малакали педагоглар дарс бераёпти. Марказ ўқувчилари вилоят ҳамда республика миқёсида ўтказиладиган кўрик-танловларда мунтазам қатнашиб, муносиб ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ
тайёрлади.

ЎзХДП:
БОШЛАНҒИЧ
ТАШКИЛОТ —
АСОСИЙ ТАЯНЧ

Хар бир сиёсий партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилишда, аҳоли орасида нуфузини оширишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутди. Шу маънода, қуйи бўғин фаолиятини кучайтириш партия олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Фаол ва ташаббускор аъзолар сафи кенгаймоқда

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ҳамда Юнусобод туман кенгаши ҳамкорлигида 52-оилавий поликлиникада ўтказилган ўқув-семинарда бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Партия фаоллари, етакчилар, депутатлар бошланғич партия ташкилотларининг бугунги кундаги фаолияти ҳамда улар олдида қўйилаётган вазифалар, айрим муаммо ва камчиликлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

— Бошланғич партия ташкилотларисиз ишимизда самара бўлмаслиги аниқ, — дейди **Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Хайдар Бобохонов**. — Бу тузилма аҳолига энг яқин бўлгани учун уларнинг кучи ва имкониятидан унумли фойдаланишимиз керак. Бунда депутатлар ва бошланғич ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириш яхши самара беради. Депутатнинг қуйи бўғин билан алоқаси яхши йўлга қўйилса, бу аҳолининг хоҳиш-истаги ва муаммоларини ўрганиш, керак бўлганда, уларни маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссияси ва сессияга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, яқинда партия кенгашларида бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш секторлари ташкил этилди. Ушбу сектор олдида бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, қуйи бўғинларни партиянинг юқори ташкилотлари ва депутатлар билан алоқасини янада мустаҳкамлаш вазифаси қўйилган.

Семинар давомида 52-оилавий поликлиникадаги бошланғич партия ташкилоти фаолияти намуна сифатида кўрсатилди. Унинг иш тажрибасини оммалаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Ҳозирги кунда сафимизда 175 нафар партия аъзоси жамланган, — дейди **52-оилавий поликлиникадаги Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилоти раиси Муаззам Мансурова**. — Шифохонамиздаги фаол ва ташаббускор ходимларни партиянинг сафига қабул қилишга жиддий эътибор қаратяпмиз. Жорий йилда ҳам 15 нафар ёш Ўзбекистон ХДП аъзоллигига қабул қилинди. Биз партияимизнинг юқори ташкилотлари билан муносабатларни изчил йўлга қўйганимиз. Хар ойнинг охириги шанба кунда доимий равишда семинар-тренинглар ўтказилади. Уларда партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш масалаларини кенг муҳокама этамиз.

Семинар сўнггида бошланғич партия ташкилотларининг ишини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТЛАР

ЎзХДП фракцияси аъзолари сайлов округларида учрашувлар ўтказмоқда

— Депутатнинг бизга кўп ёрдами тегади, — дейди **170 - умумтаълим мактаби директори Мавжуда Эргашева**. — Хар гал учрашувда ҳудудимизга тегишли ижтимоий масалалар бўйича муҳожаат қиламиз ва улар белгиланган вақтда ҳал этилади. Бугунги мулоқотда ҳам мактабимиз олдида светафор ўрнатиш масаласини кўтармоқчиман. Бу ўқувчилар хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, уларга қўлайлик яратади, деб ўйлайман.

— Бу йил касб-ҳунар коллежини тамомлайман, — дейди **Тошкент иктисослаштирилган хотин-қизлар коллежи ўқувчиси Зухра Ҳожиматова**. — Мени келгуси йил учун қабул қилинган бандлик дастури қизиқтирди. Шунингдек, мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, меҳнат қонунчилиги ҳақида депутатга қатор саволларим бор. Ўйлайманки, бу учрашувда ўзим учун керакли маълумотларга эга бўламан.

Қўриниб турибдики, сайловчилар учрашувга шунчаки келишмаган. Кимдир қайси бир масалага жавоб излаб келган бўлса, кимдир қонунчилиikka оид савол қизиқтиради. Шунинг учун бўлса керак, депутат билан бу галги учрашув сайловчиларнинг фаол иштироки, қизгин савол-жавоблар ва жонли мулоқот асосида ўтди.

Сайловчилар томонидан таълим, банк-молия, соғлиқни

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

саклаш, уй-жой-коммунал хўжалиги, транспорт, қурилиш, алоқа масалаларига оид саволлар ва таклифлар билдирилди.

Депутат юртимизда хар бир одам меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва фуқаролик позициясини намоён этиши учун яратилган шарт-шароитларга алоҳида тўхталиб ўтди. 2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қонунларнинг мазмун-моҳияти, муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларининг аҳамияти ҳақида ахборот берди.

— Тумандаги бир неча маҳаллада сайловчилар

Депутатнинг учрашувлари Алишер Навоий номидаги, «Гўзал», «Олмос» ва «Тузел» маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақида савол-жавоблар бўлди.



127-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Мамажонов Олмазор туманидаги 15-оилавий поликлиника ходимлари билан суҳбатлашмоқда.

билан учрашганимда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг амалиёт ўташи, ишга жойлаштириш масалаларида муҳожаатлар бўлди, — дейди депутат. — Бу масала биз учун устувор аҳамиятга эга. Чунки ижтимоий ҳимоянинг энг самарали йўли бандлигини таъминлашдир. Давлатимиз томонидан бу борада изчил ислохотлар амалга оширилапти. Лекин уларнинг янада самарали бўлиши, фарзандларимизнинг яхши ўқиб, муваффақиятли ишлаб кетиши ота-оналарнинг бу масалага қай даражада жиддий қараётганига ҳам боғлиқ эканини унутмаслик керак, деб ўйлайман.

Шунингдек, депутат учрашувда дунёнинг айрим давлатларида сиёсий

беқарорлик давом этаётган бир пайтда мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни асрашга барчамиз бирдек масъул эканимизни таъкидлади.

Депутатнинг учрашувлари Алишер Навоий номидаги, «Гўзал», «Олмос» ва «Тузел» маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳақида савол-жавоблар бўлди.

127-Қорақамиш сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Шухрат Мамажоновнинг сайловчилар билан учрашувлари ҳам самимий ва киз-

гин суҳбат асосида ўтмоқда.

Олмазор туманидаги 15-оилавий поликлиникада ўтказилган учрашувда аҳоли бандлигини таъминлаш, пенсия ва ижтимоий нафақалар тўлашнинг ҳуқуқий асослари юзасидан сайловчилар кўплаб саволлар билан муҳожаат этишди. Депутат уларнинг хар бирига батафсил жавоб қайтарди, учрашувга келганларнинг жойларда қонунлар ижроси билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини тинглади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ДЕПУТАТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

Сайловчилар ишончини оқлаш хар бир депутатнинг вазифаси ва бурчидир

— Одамларни ўйлантираётган масалаларни аниқлаш, уларга ечим топишда Жамоатчилик сўрови институти орқали жойлардаги камчиликларни ўрганиш, шу асосда ижтимоий масалаларни ҳал этиш ваколатимиз бор. Бундан самарали фойдалансак, қўтилган натижага эришамиз.

Бу борадаги фаолиятимизга назар ташлайдиган бўлсак, жорий йилнинг 9 ойи давомида тегишли ташкилот ва идора раҳбарларига 10 га яқин депутатлик сўрови юборилди. Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман. Бугун мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг депутатлик сўрови билан ишлаш борасидаги масъулияти қучайган. Буни депутатлик сўровларининг аксарияти ижобий ечим

манфаатига хизмат қилувчи ташаббуслар билан чиқишимиз зарур. Яна бир масала. Депутатлик сўрови институти орқали жойлардаги камчиликларни ўрганиш, шу асосда ижтимоий масалаларни ҳал этиш ваколатимиз бор. Бундан самарали фойдалансак, қўтилган натижага эришамиз.

Вилоят партия кенгаши фаолларининг айтишига қараганда, депутат Қизилгул Эрматова кўмаги билан жисмоний имконияти чекланган фуқароларга қўлтиқтаёқлар, эшитиш аппаратлари, ортопедик маҳсулотлар, ногиронлик аравачалари ажратилди. Депутат ташаббуси билан ижтимоий ҳимояга муҳтож 60 нафарга яқин йигит-қиз шаҳардаги қорхона-ташкilotларга ишга жойлашган.

— Биз халқ вакилимиз, аҳолини ўйлантираётган хар бир масала эътиборимизда бўлиши керак, — дейди у. — Фаовонлигини янада такомиллаштиришимиз, сайловчиларнинг, одамларнинг бизга билдирган ишончини оқлашимиз зарур.

Бунинг учун ҳуқуқ ҳамда ваколатларимиз етарли. Масалан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига давлат ҳокимияти вакиллик органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботи, ахборотини эшитиш ҳуқуқи берилган. Ана шу имкониятдан фойдаланиб, сайловчилар

мустаҳкамлаш таклифи билан виллоят ҳокимлигига сўров юборган эдим. Ушбу масала тегишли дастурга киритилиб, зарур маблаг ажратилди, айни пайтда таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

Депутат томонидан аҳолига малакали тез тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида депутатлик сўрови билан чиқилган. Натижада Олмалик шаҳар тиббиёт бирлашмаси моддий техник базаси мустаҳкамланиб, аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифати яхшилланган.

Депутат фикрларидан бир насага амин бўлдик. Ўл-юрт манфаатини кўзлаган хар бир инсон атрофидаги воқеа-ҳодисаларга зийрак нигоҳ билан қарайди, муам-

ижтимоий-иқтисодий ҳолатига оид масалаларни мунтазам ўрганиб боради.

Мисол учун, депутат «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун ижроси доирасида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш жараёнида иштирок этди. Қйрай, Зангиота туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳрида қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича айрим масалалар аниқланди. Ушбу масала халқ депутатлари Тошкент виллоят Кенгаши сессиясида ҳам кўриб чиқилди. Қонун ижроси самарадорлигини ошириш юзасидан сессия тегишли қарор қабул қилди.

— Хар бир депутат ўзи сайланган сиёсий партия манфаатларини ҳимоя қилиши, электроратни ўйлантираётган масалаларни бартараф этишга қўмаклашиши, шунингдек, ўз округидаги аҳоли турмуш тарзидан доимий хабардор бўлиши лозим, — дейди депутат. — Ана шунда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳамюртларимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга ҳисса қўшамиз.

Биз Қизилгул Эрматовани партия талбирларида кўп учратамиз. Депутат доимо кимнингдир оғирини енгил қилиш, одамларга ниманидир тушунтириш ҳаракатида юради. Шунинг учун бўлса керак, олмалиқликлар тиниб-тинчимас депутатни яхши танийди, ҳурмат қилади.

Зилола ЎБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ГУРУҲИ
ТАШАББУСИ БИЛАН

Халқ депутатлари Фарғона виллоят Кенгашидаги ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда виллоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан қиритилган 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг 9 ойлик ижроси билан боғлиқ масала кўриб чиқилди.

ДОИМИЙ КОМИССИЯДА

бандлик масаласи кўриб чиқилди

Ушбу масала юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Бунёд Мавлонов ахборот берди. Маълум бўлишича, виллоятда жорий йил январь-сентябрь ойларида 73 минг 682 иш ўрни яратилган. Лекин бандлик дастурида кўзда тутилган айрим лойиҳалар амалга ошмаган ҳолатлари ҳам мавжуд.

Йиғилишда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда битирувчиларга кредит бериш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Маълумотларга кўра, виллоятдаги 144 касб-ҳунар коллежини 57834 нафар ўқувчи 126 мутахассислик бўйича битирган. Улар 25368 қорхона ва ташкилот билан ушбу томонлама шартнома имзолаган. Шу асосида 50240 нафар битирувчи бандлиги таъминланган. Бугунги кунга қадар 1381 битирувчи ўз бизнесини йўлга қўйиш учун 9,7 миллиард сўм миқдорида кредит берилган.

Доимий комиссия йиғилишида виллоятда янги иш ўринлари яратиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш бора-сида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Шу билан бирга, айрим камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда таъкидланишича, баъзи лойиҳалар белгиланган муддатларда амалга ошмаган, натижада режалаштирилган иш ўринлари вақтида очилмаган. Депутатлар бу борада Фарғона шаҳри, Ёзёнов, Фарғона ва Сўх туманларидаги айрим қорхоналар фаолияти бўйича мисоллар келтиришди.

Музокараларда сўзга чиққан ЎзХДП гуруҳи аъзоси Аҳмаджон Абдуллаев, ЎзХДП Қувасой шаҳар кенгаши раиси Сардорбек Суяркулов, Марказий банк Фарғона виллоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мардон Ҳўжаев, касб-ҳунар коллежлари худудий бошқармаси бўлим бошлиғи Улуғбек Мамасидиқов ва бошқалар бандлик дастури ижросини сўзсиз таъминлаш, йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Доимий комиссия йиғилишида, шунингдек, «Кексалари эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси билан боғлиқ масала ҳам кўриб чиқилди.

Дастлаб уруш ва меҳнат фахрийлари поликлиникаси бош шифокори Гулчехра Усмонованинг тегишли ахбороти тингланди. Қайд этилдики, «Кексалари эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида виллоятда катта ишлар амалга оширилган. Хусусан, 8932 нафар нуруний виллоят санаторийларида соғломлаштирилган.

Йиғилишда виллоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Дилбар Мамажонов «Кексалари эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси бўйича масъулиятни янада кучайтириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди. Қувасой шаҳри, Дангара, Оптириқ ва Тошлоқ туманларидаги айрим сустанчиликларга тўхтади.

Атрофлича муҳокамалардан сўнг виллоят Кенгаши доимий комиссияси кун тартибидagi масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

Муҳаммадхон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ БУ ЙИЛ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎзХДП САФИГА 2000 НАФАР ЯНГИ АЪЗО ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. УЛАРНИНГ 45 ФОИЗГА ЯҚИНИ ХОТИН-ҚИЗЛАРДАН ИБОРАТ.

■ ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДА ЎзХДПНИНГ 34 БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШИДАГИ 26 ДЕПУТАТНИНГ 13 НАФАРИ ЎзХДП ВАКИЛИДИР.

Экспертларнинг фикрича, сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатидир.

Сайлов тизими: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси

Тошкентда «Сайлов тизими ва қонунчилигини янада демократлаштириш: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси» мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, ЕХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалий қонун ҳужжатлари мониторингининг институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбати Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларнинг сайлов қонунчилиги ривож масалаларини муҳокама қилиш, Ўзбекистон сайлов тизимини халқаро стандартларга мувофиқ ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар билан халқаро ҳам-жамиятни таништиришга бағишланди.

Унда Жаҳон сайлов органлари ассоциацияси, Франция, Германия, Жанубий Корея, Латвиядан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат

ташкилотлари вакиллари, сайлов ҳуқуқи соҳаси олимлари ва мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир очилишида **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов** мамлакатимизда мустақиллик йилларида сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизим босқичма-босқич модернизация қилиниши самарасида юксак демократик талабларга мос миллий сайлов тизими яратилганини таъкидлади. Фуқароларнинг шу аснода давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи тўлиқ таъминланмоқда. Бунда Конституциямиз ва қонунларда умумэтироф этилган норма ва принциплар асосида шакллантирилган сайловларни ўтказишнинг демократик принциплари мустақамлаб қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётди.

Давра суҳбатида сайлов эркинлиги ва хоҳиш-иродани эркин билдириш принциплари, биринчи навбатда, ҳар бир шахснинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқи миллий давлатчилигимиз моделининг асосини ташкил этиши таъкидланди. Сайлов тизимида изчил ва ўзаро уйғун ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига

бошқа давлат ҳокимияти органларининг аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилгани ҳам сайловларнинг демократиклиги, очиқ ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири бўлди. Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолияти асосий принциплари конституциявий норма сифатида белгиланди, шунингдек, Бюджет кодексига киритилган ўзгаришларга мувофиқ, унинг молиявий мустақиллиги таъминланди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар, шунингдек, 2015 йилда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик сайлов тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир. Мазкур сайловлар натижалари давлат ҳокимияти органларини такомиллаштириш, халқ ҳокимиятининг демократик асосларини мустақамлаш, мамлакатимизни ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида янада ривожлантиришнинг муҳим босқичига айланди.

Давра суҳбатида **Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори Д.Сабо** сайловлар ҳар бир мамлакат ҳаётидаги муҳим

Сайлов тўғрисидаги қонунларнинг ягона Сайлов кодекси шаклида кодификация қилиниши барча даражадаги сайловларни ўтказишнинг асосий тамойил ва умумий қоидаларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

сиёсий жараён эканини қайд этди. Ўзбекистон сайловлар ўтказишдек кенг қўлмалли сиёсий тадбирларни юксак савияда ташкил этиш бўйича ўзига хос улкан тажрибага эга. Бунда сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган мустақам ҳуқуқий асослар яратилгани муҳим омил бўлмоқда.

Тадбир давомида сайлов тизими ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг турли жиҳатлари, жумладан, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сайлов кампаниясини молиялаштириш, сайлов жараёни иштирокчиларининг жавабгарлиги, партиялараро рақобат, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирокини кенгайтиришга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу муносабат билан сайловчиларнинг ягона электрон реестри фаолияти бўйича чет давлатларда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мамлакатимизда ҳам бундай реестрнинг

ҳуқуқий асосларини яратиш ва ундан фойдаланиш имконияти муҳокама этилди.

Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси **А.Цимдарс**нинг таъкидлашича, Латвия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, сайловчиларнинг ягона электрон реестрдан фойдаланиш фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиради, сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлайди. Сайлов комиссиялари ва маҳаллий органлар ишини енгиллаштириб, сайловчилар тўғрисида аниқ маълумотлар тузиш имконини беради ва «бир сайловчи — бир овоз» принципини таъминлайди. Энг муҳими, сайловчилар масъулиятини ошириб, шикоятлар бўлиш эҳтимолини камайтиради.

Тадбирда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш, сайлов жараёни барча иштирокчиларининг сайлов тўғрисидаги қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этиши, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Франциянинг Тулуза шаҳар молиявий суди фахрий вице-президенти **Ж.Ракен** Ўзбекистон сайлов қонунчилиги билан танишиб, унинг ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилганига ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Унинг фикрича, мазкур қонунчиликда фуқаролар ҳуқуқлари билан боғлиқ барча жиҳатлар инобатга олингани Ўзбекистонда жамият юксак даражада демократлаштирилганидан далолат беради. Сайлов

тўғрисидаги қонунларнинг ягона Сайлов кодекси шаклида кодификация қилиниши барча даражадаги сайловларни ўтказишнинг асосий тамойил ва умумий қоидаларини янада мустақамлашга хизмат қилади.

Экспертларнинг фикрича, сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга оширишнинг кафолатидир. Сайлов кампанияси давомида оммавий ахборот воситалари нафақат сайловчиларни хабардор қилишнинг асосий мабсади, балки муҳим жамоатчилик назорати воситаси ҳамдир. Парламент ва Президент сайловлари жараёнида Марказий сайлов комиссиясининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги янада мустақамлашиб бораётгани аққол намоён бўлди.

Давра суҳбати очиқ ва амалий мулоқот руҳида ўтди. Тадбир иштирокчилари Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган, жумладан, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларини мустақамлашга қаратилгани ҳақида яқдил фикр билдирди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.



Тартиб-қоидалар қатъийлаштирилади

АҚШ Конгрессининг вакиллар палатаси мамлакатга қочқинлар қабул қилиш тартибини қатъийлаштиришни назарда tutувчи янги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Вахоланки, бу қонун лойиҳасига Америка президенти қарши чиқмоқда, вето эълон қилиш ҳақида огоҳлантирмоқда.



Янги қонун лойиҳасига кўра, Федерал текширув бюроси, Ички хавфсизлик вазирлиги ва миллий разведка қочқон мақомини олиш учун мурожаат қилган Африка ёки Яқин Шарқ мамлакатлари фуқароларини яхши-лаб текшириши лозим.

Европа Иттифоқи ҳам эндиликда Шенген битимига кирувчи мамлакатлар ҳудудининг ташқи чегара назоратини кучайтиришни ва Шенген битимининг 7-моддаси, 2-сўзбошисига ўзгаришлар киритишни мўлжаллаб турибди.

Маълумки, Европа Иттифоқига аъзо 28 давлатдан 22 таси Шенген битимини имзолаган, бундан ташқари, Норвегия, Исландия, Лихтенштейн ва Швейцария ҳам шу битим доирасида иш кўради. Шенген битимига кўра, унга аъзо давлатлар ичида чегара назорати амал қилмайди. Энди эса назорат кучайтирилади.

Бу тартиблар 13 ноябрь куни Парижда содир этилган террорчилик актидан кейин амалга «Reuters» ахборот агентлиги хабарига.

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Олий судида «Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари» китобининг ҳамда Олий суд янги веб-сайтининг тақдироти бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий судда тақдимот

Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Нодир Жўраев тадбирини очар экан, мамлакатимизда изчил ва босқичма-босқич олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг тўб моҳияти, аввало, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ҳамда қонунийликни таъминлашга қаратилганини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси суд ҳокимиятининг ташкил топиш жараёнида суд ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштиришнинг муайян қоидалари шаклланди. Бинобарин, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, аввало, одил судловни амалга оширишда чиқариладиган суд ҳужжатларида намоён бўлади. Суд ҳужжатларини тўғри чиқариш ва расмийлаштириш, суд ҳужжатлари матнини илморий ва орфографик қоидаларга риоя қилган ҳолда ифода этиш, чиқарилаётган суд ҳужжатини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, процессуал норма ва қоидаларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят ишлари бўйича процессуал ҳужжатларни тузиш юзасидан тайёрланган «Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари» амалий услубий қўлланмаси айнан шу мақсадларга хизмат қилиш билан аҳамиятли. Унда жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари тушунчаси ва турлари, уларнинг мазмунини, ҳуқуқий асослари, суд ажримлари турла-

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Туронбанк» кредитлари ёшлар бандлигига хизмат қилмоқда

Аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун муқим иш ўринлари яратиш долзарб масала ҳисобланади. Жорий йил 1 ноябрга қадар «Туронбанк» АТБ томонидан ана шу мақсадлар учун жами 171,9 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Шундан 53,6 миллиард сўми сервис соҳасини, 20,2 миллиард сўми аёللар тадбиркорлигини ривожлантиришга, 5,4 миллиард сўми касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга, 3,4 миллиард сўми эса оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга йўналтирилди. Натижада бугунга келиб, салкам 4 минг иш ўрни яратилди.

Бобир АББАСОВ, (Навоий вилояти):

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун банклар томонидан кредитлар ажратилаётгани мен қатори қўллаб ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қилмоқда. Ўзим ҳам ўқиш даврида ўрганган хунарим бўйича ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида бизнес-режа тузиб, «Туронбанк»нинг Навоий вилоят фи-

лиалига мурожаат қилдим. Банк ходимлари қисқа муддатда имтиёзли шартларда сўраган кредитимни ажратди. Ниятим рўйишга чиқиб, ўз фаолиятини бошлашга эришдим. Ёнимга бир нафар тенгдошимни ҳам олдим. Келажақда фаолиятимни янада кенгайтираман.

Бурхон АШУРОВ, (Кашқадарё вилояти):

— Яккабоғ агроинтисодиёт коллежини тамомлаган, мебель ишлаб чиқаришга қарор қилдим. Режамни амалга ошириш учун маблаг зарур эди. «Туронбанк»нинг Шахрисабз филиалига мурожаат қилдим. Бизнес-режамга мувофиқ зарур сармояни ажратди. Натижада ўз ишимни йўлга қўйдим.

Шахло ХУСАНОВА, (Сурхондарё вилояти):

— Кўпдан буён тикувчилик билан шу-

ғуланиш ниятида юрар эдим. Коллежини тугатгач, оила аъзоларим билан бамаслаҳат бизнес-режа туздим. Уни «Туронбанк»нинг Сурхондарё вилоят филиалига олиб бордим. Мутасаддилар мени қўллаб-қувватлашди, зарур маслаҳатлар беришди. Молиявий кўмак туфайли тикувчиликни йўлга қўйдим. Хунаримни тенгдошларимга ҳам ўргатайман.

Мухтасар айтганда, «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкнинг кредитлари эвазига ўз ишини очиб, ҳаётда йўлни топаётган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Бу оишалар фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда жойларда ишлаб чиқариш ривожланиши ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Хизматлар лицензияланган.




Вазнсизлик ва радиация таркибни ўзгартира олмайди

Неча йиллардан бери Ер орбитасида фаолият кўрсатиб келаётган Халқаро космик станцияда кузатилган ҳолат шундан далолат бермоқдаки, коинотдаги вазнсизлик ва космик радиация тиббий дори-дармонларга ўз таъсирини ўтказолмас экан. Ҳатто космонавтларда эҳтиёж туғилмаганлиги сабабли истеъмол қилинмаган ва сакланиш муддати ўтиб кетган тиббий препаратларнинг ҳам таркиби ўзгармаган.

Ер шароитида эса дори-дармонлар таркиби ўзгариб кетадики, шу боис ҳам уларга сакланиш муддати белгилаб қўйилади. Ерулғик нури, намлик ва кислород таркиб ўзгаришини тезлатадиган омиллардир.

Виржиния Уотринг етакчилигидаги олимлар гуруҳи Халқаро космик станцияда фойдаланилмаган ва 550 кундан кейин ерга қайтариб олиб келинган 9 турдаги — оргкислзлан-тирувчи, уйқусизликка қарши, қон кетишини тўхтатадиган, ич кетишига қарши, диққат-эътиборни жам-



лашга ёрдам берувчи ва бошқа дори-дармонлар таркибини диққат билан текширишлар ва таҳлил қилди. Бирор-бир дори таркиби ўзгармаганлиги ва фойдаланишга яроқли эканлиги аниқланди. Вахоланки, уларнинг яроқлилик муддати ўтиб кетганига 5-8 ой бўлиб қолганди.

Олимларнинг бу борадаги хулосалари ҳақида «Laboratory Equipment» нашри хабар тарқатди.



■ ОЗАРБАЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПОЙТАХТИ БОКУ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН АНЪАНАВИЙ «МУҒОМ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ УЧКЎПРИК ТУМАНИ БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИНИНГ АНЪАНАВИЙ ХОНАНДАЛИК ЙЎНАЛИШИ ЎҚУВЧИСИ ЛАЙЛО АДҲАМОВА ГОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ.



■ ЯПОНИЯНИНГ «KYODO NEWS» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ВЕБ ПОРТАЛИ ВА «SANKEI SHIMBUN» ГАЗЕТАСИ САҲИФАЛАРИДА ЖУРНАЛИСТ Д.НАКАИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 5-6-НОЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО САРМОЯВИЙ ФОРУМГА БАҒИШЛАНГАН «ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ЖОЗИБАДОРЛИГИ» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

СПОРТ

Пойтахтимиздаги «Жангоҳ» спорт мажмуида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбек жанг санъати федерацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада тўрт юз нафарга яқин ўғил-қиз голиблик учун гиламга чиқди. Унда спортчилар яккама-якка беллашув ва комплекс машқларни бажариш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Ўзбек жанг санъати

бўйича Ўзбекистон кубоги бахслари бўлиб ўтди

— Бугунги кунда юртимиз шаҳар ва қишлоқларида қирқ минг нафардан зиёд йигит-қиз спортнинг мазкур тури билан шуғулланмоқда, — дейди Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пўлат Усмонов. — Айни чоғда федерациямиз Жаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси, Жаҳон яккакураш спорт турлари ташкилоти, Халқаро жанг санъатлари ассоциацияси каби нуфузли ташкилотлар аъзосидир. Моҳир спортчиларимиз шу йилнинг ўзида Франция, АҚШ, Жанубий Корея каби давлатларда ўтказилган халқаро спорт фестивалларида муносиб иштирок эттиди. Сўнгги пайтларда мамлакат миқёсидаги мусобақалар нафақат пойтахтимизда, балки турли вилоятларда уюштириб келинаётганлиги ҳам жойларда Ўзбек жанг санъати бўлган қизиқишни янада оширмоқда.

Уч кун давом этган мurosасиз бахслар якунида Муҳаммад Омонов, Мансур Серикбоев, Дилшод Муҳаммаджонов, Дилор Калдибеков, Дилмурод Қобилов, Фирдавс Хожиев, Элдор Нуралиев, Озодбек Аширов, Азиз Жумаев, Эъззода Зоҳиджонова, Одина Абдуғаниева, Севинч Зиедудлаева, Дилзода Озодова, Гўзал Пейсенова, Мафтуна Икромова, Карина Ким сингари ўнлаб спортчилар ўз вази ва йўналишларида кучлилар сафидан ўрин олди.



Темура МАМАДИМОНОВ (ўзг.) олган сурат.

ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

Китоб ўқимайдиган бола

эзгуликдан йироқ бўлади

Бу — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Эркин Маликовнинг фикри.



— Ўзини зиёли ҳисоблайдиган ҳар бир одам бола тарбиясига эътибор қаратиши, бу борада масъулиятни чуқур ҳис қилиши лозим, — дейди у. — Баъзи ота-оналар фарзандларини боғчага, мактабга олиб боришни буви ёки бобо зиммасига юклаб қўяди. Вақт ажратиб, болаларига меҳр бермайди. Улар эса табиий, ота-онаси билан юргиси, уларнинг меҳрига тўйгиси келади.

Қачонки ота ёки она фарзандининг интилишларига жиддий аҳамият қаратса, шундагина у ота-онасига меҳрли бўлиб улғаяди. Назардан қочирмаслигимиз керакки, боладаги ҳар қандай туйғу дастлаб оилада шаклланади. Ота-онасининг китоб ўқиганини кўрмаган бола, қўлига китоб олмайди. Китобга қизиқмаган боладан эса кўрқиб керак. Чунки ҳаётимиз давомида кўп

кўрганмиз, китоб ўқимайдиган бола эзгуликдан йироқ бўлади.

— Болалар ёзувчиси сифатида улар билан учрашиб турасизми?

— Бугунги кунда ҳар бир ижодкор ўз ўрнини мактабда, таълим ўчоқларида деб билиши керак, деб ўйлайман. Бу ерда улар ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар билан жонли мулоқотга киришиши зарур.

Мен ҳам мактабларга тез-тез бориб тураман. Пойтахтимиздаги 110-мактаб билан ҳамкорлигим бор. Бу дарғоҳда ўтадиган суҳбатларда баъзи ота-оналар ўз фарзанди тарбияси билан жиддий шуғулланмаслигига гувоҳ бўлганман. Бундай пайтларда вақт топиб, улар билан суҳбатлашаман, ўз жигарбандига бундай муносабат ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини мисоллар билан тушунтираман. Шундан сўнг уларнинг фарзандига бўлган эътибори ижобий томонга ўзгарганини кўриб қувониб кетаман.

— Бугуннинг боласи қандай китобларнинг ўқиши керак, деб ўйлайсиз?

— Болаларнинг қизиқиш доираси турлича бўлиши мумкин. Бирови техникага, бошқаси санъатга, яна бири ўқитувчиликка дегандай... Энг муҳими, улардаги бу рағбатни сўндирмаслик керак. Боланинг интилишига доир китоблар топшига қўмаклашиш керак. Ана шундагина ота-она ва фарзанд ўртасида ўзаро муштараклик пайдо



бўлади, бола бирор ишга қўл урмоқчи бўлса, албатта улардан маслаҳат сўрайди. Тўғри берилган йўналиш эса ўртадаги ишончнинг янада мустаҳкамлайди.

Хозир болалар нашриётлари ўзбек давлатчилиги тарихига оид воқеаларни содда, раван ва тушунарли қилиб, ҳикоя тарзида чоп қилапти. Ойбекнинг «Болалик», Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эрталаб», Ҳасан Нозим ва бошқа ёзувчиларнинг асарлари нашр этилмоқда. Болалар бундай китобларни севиб ўқийди ва уларнинг қаҳрамонларидан ўрнак олишга ҳаракат қилади.

Фарзандларимиз бугун тўла-тўқис замонда ўсмокда. Уларга давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятларнинг чек-чегараси йўқ. Бугунги куннинг қадрига етиш учун уларда ўтмиш ҳақида тўлиқ тасаввур бўлиши керак. Ушандагина улар ҳозирги

тўқинчилик, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етади.

Глобаллашув даврида қудратли давлатлар ўртасидаги зиддиятлар тобора кучайиб борапти. Бугун, кеча биз умуман ҳаёлимизга келтирмаган воқеалар содир бўляпти. Уларни зийраклик билан кузатиб бормасак, ютқазиб қўямиз.

Бола тарбиясида узвийлик керак. Ҳар бир ота-она фарзандининг буш вақтида нима қилаётгани, ким билан ўйнаётгани, қандай китоб ўқийётгани, телевизордан нималар кўраётганига, қўл телефонида кимлар билан гаплашаётганига жиддий эътибор қаратиши шарт. Ушандагина афсус-надомат қилмаймиз. Фарзандларимиз орқасидан раҳмат эшитамиз, одамлар бизга ҳавас билан қарайди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Озода БЕКМУРОДОВА
суҳбатлашди.

Зулфия номидаги давлат мукофотида номзодлар

Билим ва иқтидор кўриги

Фарғонада Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзодлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.Тожиёва ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбия-

лаш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда қизларнинг иқтидорини рўйбга чиқаришга қўмаклашиш,

саломатлигини мустаҳкамлаш, спортга кенг жалб этиш, касб-хунар эгаллаш, жамиятимизнинг фаол аъзосига айланиши йўлида доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимизда иқти-

дорли қизлар сафи янада кенгайиши, ижтимоий фаоллиги юксалиши, жамият ҳаётида ўз ўрнини топишида муҳим омили бўлмоқда.

Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган 87 қиз адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият йўна-

лишларида билим ва истеъдодини намойиш этди.

Беш йўналиш бўйича голиб деб топилган истеъдодли қизлар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

 АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³ и 16м³	 АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³	 АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6м³, 8м³, 12м³
 КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМЕОЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³ и 12м³	 ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4x4) или (6x6) 18-24 ЧЕЛОВЕК	 АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10м³

Гарантия 1 год

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ
МАРКАЗИДА

Ҳамширалик иши: Истиқболдаги вазифалар

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани шу мавзуга бағишланди.

— Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор туфайли халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш борасида юқори кўрсаткичларга эришилмоқда, — деди Соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов. — Тиббиётда ҳамшираларнинг алоҳида ўрни бор. Ҳозирда тиббиёт муассасаларимизда уч юз минг нафардан ортиқ ҳамшира фаолият юритмоқда. Олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш тизимининг жорий этилиши аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтирмоқда. Ҳозирги кунга қадар Тошкент тиббиёт академияси ва бошқа олий ўқув юрталарининг «Олий ҳамширалик иши» бўлимида анестезиология ва реанимация, хирургия, акушерлик ва меҳежмент йўналишлари бўйича уч мингдан зиёд олий маълумотли бақалар ҳамшира тайёрланди, 80 нафарга яқин талаба магистрлик даражасига эришди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, бугун ўрта бўғин тиббиёт муассасаларини тайёрлаш тизими ҳам тубдан такомиллашмоқда. Мавжуд 78 тиббиёт коллежида ўқувчиларнинг мутахассислик бўйича билимларини мустаҳкамлаш ва амалиёт ўташлари алоҳида аҳамият берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ҚВБларда патронаж ҳамширалар ишини рейтинг баҳолаш тизими синовдан ўтказилиб, қўлгана ижобий ҳулосалар олинди. Бу ишлар яна 18 туманда давом эттирилмоқда.

Ҳамшираларнинг малакасини ошириш бўйича замонавий тизим яратилгани ҳақин тиббиётни янгиликларини чуқур ўзлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Кейинги йилларда бир ярим мингдан ортиқ ўқув-семинар ташкил этилиб, беш юздан зиёд маҳаллий тренер тайёрланди.

Тадбир сўнггида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО	26-27.11 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-2 / +3
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+7 / +12
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	0 / +5
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+8 / +13
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+3 / +8
Тошкент шаҳри	0 / +5
Дунё бўйлаб (°C)	+2 / +4
Лондон	+10 / +12
Париж	+10 / +9
Москва	-3 / -3
Мадрид	+16 / +16
Пекин	-3 / -2
Канберра	+24 / +27
Рим	+10 / +12
Афина	+20 / +19
Токио	+12 / +15
Стокгольм	+3 / +8
Кейптаун	+22 / +27
Қоҳира	+26 / +27
Гавана	+27 / +27
Вашингтон	+17 / +19

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети жамоаси услубият, таҳрир ва интернет журналистика кафедраси катта ўқитувчиси Саида Азимова падари бузруквори

СУННАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.